

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛОТОВ ПАРВИЗ АМРИДДИНОВИЧ

**КЛИНИК ВА ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРГА ҚАРАБ БОЛАЛАРДА
СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Пулотов Парвиз Амриддинович

Клиник ва генетик хусусиятларга қараб

болаларда сийдик тош касаллигини жарроҳлик

даволашни оптималлаштириш 3

Пулотов Парвиз Амриддинович

Оптимизация хирургического лечения детей

с мочекаменной болезнью в зависимости

от клинико-генетических особенностей.....27

Pulotov Parviz Amriddinovich

Optimization of surgical treatment of children

with urolithiasis depending

on clinical and genetic characteristics..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛОТОВ ПАРВИЗ АМРИДДИНОВИЧ

**КЛИНИК ВА ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРГА ҚАРАБ БОЛАЛАРДА
СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар жарроҳлиги
14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2576 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.sammu.uz ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида www.ziyouet.uz манзилларга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсунов Шухрат Абдурасулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Зуфаров Азиз Алимджанович
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Расмий оponentлар:

Гафуров Адхам Анварович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шаринова Олия Аскаровна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тожикистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасида дипломдан кейинги таълим институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «9» сентяб куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДУ Қўн тармоқли ихтисосланган болалар хирургия маркази). Тел/факс: (+99866) 233-58-92; 2337903 (366); e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 18-уй. Тел/факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2024 йил « ____ » _____ да тарқатилди.

(2024 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)



А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодидулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги йилларда эпидемиологик тадқиқотлар кўрсатишича, болаларда сийдик тизими касалликлари учраш кўрсаткичи сезиларли даражада ошган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...Болаларда нефролитиаз (сийдик тош касаллиги) касаллиги кўрсаткичи сўнгги 20 йил мобайнида АҚШда йил сайин 6-10% га ошган. Ҳозирги кундаги ўртача йиллик кўрсаткич 100 000 болада 36 дан 57 тагача. Болаларнинг 40% га яқин ҳолатлар тасодифан аниқланади (масалан, сийдик йўллариининг биринчи ёки такрорий инфекциясидан кейин), касалликнинг специфик белгилари улуши кам бўлганлиги туфайли уларнинг учраш частотаси аниқ эмас. Шунинг учун, аниқ кўрсаткичлар камроқ бўлиши мумкин...»¹. Ҳозирги кунда нефролитиаз касаллиги, айниқса болаларда учраши ошганлиги, касаллик механизмларини ўрганиш, клиник кечиш хусусиятлари чуқур ўрганилмаганлиги, тез-тез рецидивлар ва асоратлар билан боғлиқ муаммолар сабабли эрта ташхислаш ва хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш лозимлиги тадқиқотчиларнинг доимий диққат марказидадир.

Жаҳон миқёсида болалар касалликлари, жумладан уролитиаз этиологияси, хавф омиллари, ривожланиш механизмлари, диагностика ва дифференциал диагностикаси ва самарали диагностика ва даволаш усуллари бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилади. Мавжуд уролитияз ҳолатларида молекуляр генетик маркерларнинг СТКнинг такрорий шакллари билан ассотциациясини ўрганиш ва фармакогенетик ўзаро тасирларни ўрнатиш оператциядан кейинги уролитияз метафилактикасини янада самаралироқ қилишга ёрдам беради. Шунга кўра, уролитиазнинг генетик маркерларни тадқиқ қилиш ва хирургия даволаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда тиббий соҳани ривожлантиришга қаратилган, айниқса, сийдик ажратиш тизими патологияларини эрта диагностика қилиш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва профилактика қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун, қуйидаги муҳим вазифалар белгиланган: «...тиббитнинг самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш, тиббий стандартлаштириш тизимини яратиш, юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризация моделларини самарали яратиш...»². Шундан келиб чиқиб, кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун болаларда сийдик тош касаллиги клиник-генетик хусусиятларини ўрганиш ва асоратларнинг олдини олиш, шунингдек, хирургик даволаш самарадорлигини ошириш, ногиронликни камайтириш ва

¹ Penido MG, Alon US. Infantile urolithiasis. // *Pediatr Nephrol.* 2021 May;36(5):1037-1040.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. УП-5590" Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида " 7 декабр 2018 йил

болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш муҳимдир.

Ушбу диссертацион тадқиқот ўз маъносида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2022 йил 28 январдаги 60-сонли ПФ «2022-2026 йилларга янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли ПФ «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, шунингдек, 2021 йил 29 июлдаги Президентнинг 5199-сонли ПҚ «Соғлиқни сақлаш соҳасида махсус тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича олимлар сийдик тош касаллиги (СТК) диагностикаси ва даволашида катта муваффақиятларга эришди. Бу касаллик барча қитъаларда ва иқлим зоналарида, ҳар қандай ирқ ва миллатда, ҳар қандай иқтисодий ривожланиш даражасига эга давлатларда учрайди (Bacallao-Méndez RA, 2021, Gadzhiev N, 2021, Kachroo N., 2021). Дунё аҳолисининг тахминан 2%и камида бир марта ушбу касаллик симптомларини ўз бошидан ўтказган, кўпинча 20-30 ёшда (Nerli R.V., 2021, Kachroo N., 2021). СТК этиологияси ва патогенези ҳозирга қадар тўлиқ тадқиқ қилинмаган, кўплаб назариялар фақат нефролитиаз патогенезининг баъзи бўлақларини тушунтиради, хавф омиллари (Riley M.J., Kim H., 2021) ва доимий ёки даврий таъсир этувчи этиологик предикторлар, масалан, туртки механизмлар (Taylor E.N., Ferraro P.M., 2017) муаммоси очик қолмоқда.

Ўзбекистонда НЛнинг асосий омиллари бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган, масалан: «ирсий (68%) ва экологик (86%) омиллар, вақтидан аввал туғилганлик (16%), онанинг ҳомиладорлик даврида токсик моддалар таъсири (чекиш, токсик ишлаб чиқаришларда ишлаш) – 32%, асоратланган ҳомиладорлик (токсикоз, гестоз) – 31% (Дехканов К.А., Утегенов Н.У., Шагиязова Л.М., Реймбергенова С.Т., 2016), шунингдек, истеъмол қилинган сувнинг миқдори ва сифати, болаларни сутли овқатлар билан овқатлантириш хусусиятлари, кўшимча овқат киритиш вақтлари уролитиаз ривожланиш хавфини оширади (Шарипов А.М., Артикова М.А., Хамзаев К.А., 2018; Шамсиев А.М., 2021)».

Молекуляр-генетик усул уролитиаз ривожланиш эҳтимолини ҳар қандай ёшда, деярли туғилишдан бошлаб аниқлаш имконини беради, чунки аниқ бир шахснинг генотиби умр давомида ўзгармайди. Шунингдек, ушбу усул орқали касалликнинг клиник ёки биохимик белгиларисиз, яъни патологиянинг энг эрта клиникагача бўлган босқичида аниқланиши мумкин. Демак, генетик

маркернинг мавжудлигини эрта аниқлаш, касалликнинг олдини олиш тадбирларини ишончли ва ўз вақтида амалга ошириш имконини беради.

Агар СТК касаллиги аллақачон мавжуд бўлса, молекуляр-генетик маркерлар ассоциацияси билан хасталикнинг рецидив қилувчи шаклини тадқиқ қилиш ва фармакогенетик ўзаро таъсирларни аниқлаш, операциядан кейинги метафилактика чора-тадбирларини самаралироқ ўтказишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети амалий тадқиқот лойиҳасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (2020-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник ва генетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда болаларда уролитиазни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда уролитиаз ривожланиши билан боғлиқ бўлган D витамини, остеопонтин, урокиназа ва фетуин-А генларининг полиморфик маркерлари генотипларининг тарқалишини баҳолаш;

болаларда уролитиаз рецидивни ривожланишининг тиббий-генетик ва лаборатор маркерларини аниқлаш;

уролитиаз билан касаланган болаларда метафилаккаси ва диспансер кузатуви оптималлаштирилган тавсия этилган хирургик даволаш усулларининг самарадорлигини ўрганиш;

СТК ли болаларни диспансер кузатуви босқичида реабилитацион потенциал мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ихтисослаштирилган болалар хирургияси клиникасида (бош врач – профессор Ж.А. Шамсиев) даволанган 8 ойдан 18 ёшгача бўлган уролитиазли 100 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби ҳамда сийдик таҳлиллари учун пешоб ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу диссертацияда анамнестик, умумий клиник, лаборатор, биокимёвий, инструментал, иммуногенетик тадқиқот усуллари, шунингдек, статистик таҳлилдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек популяциясидаги сийдик тош касаллиги мавжуд болалар орасида VDR гени Ff+FF генотиплари, урокиназа гени TT+CT генотиплари ва остеопонтин гени GG генотипи ташувчиларида касалликка мойиллик юкорилиги аниқланган;

болаларда VDR Fok I генини F/f+FF генотиплари ва остеопонтин генини (rs2853744) G/T+T/T генотиплари сийдик тош касаллигининг оғир кечишини прогностик маркери эканлиги исботланган;

сыйдик тош касаллиги мавжуд булган болалар конида витамин D микдорини 20 нг/млдан ва остеопонтин микдори 10,0 нг/мл дан кам булиши касаллик кузгалишини тасдикловчи маркер эканлиги исботланган;

сыйдик тош касаллиги мавжуд болаларнинг молекуляр генетик ҳолатига қараб сыйдик йўллари пастки қисмидаги тошларни олиб ташлаш жарроҳлик даволаш тактикаси эндоскопик усули ёрдамида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

D витамини, остеопонтин, урокиназа, фетуин-А генларининг асосий полиморфик белгилари СТКли беморларда ва соғлом болаларда генетик материални ўрганиш асосида аниқланган;

ривожланиш патогенези учун масъул бўлган ва рецидивланиш эҳтимолига сезиларли таъсир кўрсатадиган рецидивлар ривожланишининг клиник- генетик белгилари аниқланган;

болалар уролитиазини жарроҳлик даволаш тактикаси беморларнинг молекуляр генетик ҳолатига қараб оптималлаштирилган;

уролитиазли касал болаларнинг метафилактикасига янги ёндашувлар ишлаб чиқилган, бу жарроҳлик даволашдан сўнг диспансер кузатуви босқичларида СТК билан касалланган болаларнинг реабилитация салоҳияти мезонларини ишлаб чиқишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, генетик ва статистик тадқиқот усуллари натижаларининг ишончлилигини асослайди. Маълумотларнинг статистик таҳлили диссертациянинг хулосаларини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда уролитиаз ривожланишининг клиник ва генетик хусусиятларини ўрганишдан иборат бўлиб, бу СТКнинг рецидиви хавфини прогноз қилиш самарадорлигини ошириши, мураккаб клиник ва генетик тадқиқот усулларининг натижалари болаларда уролитиазнинг ривожланиши ва такрорланишининг патогенетик механизмларининг янги жиҳатларини очиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморларнинг молекуляр генетик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда болаларда уролитиазни жарроҳлик даволаш тактикасини оптималлаштириш, шунингдек, унга мойиллик белгиларини эрта самарали аниқлаш, уролитиазнинг операциядан кейинги самарали метафилактикаси ва рецидивларни камайтириш, жарроҳлик даволашдан кейин уролитиазли болаларнинг реабилитация мезонлари диспансер кузатув босқичларидаги шифокорларга тавсия этилиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд вилоятининг кўп тармоқли болалар тиббий марказида (07.03.2024 йил 41/4-сонли буйруғи) ва Хоразм

вилоятининг кўп тармоқли болалар тиббий марказида (01.07.2024 йил 142-І-сонли буйруғи) амалиётга жорий этилди.

Эришилган натижалар болаларда уролитиазга мойилликни эрта самарали аниқлаш ҳисобига касалланиш сонини камайтириш, пайдо бўлишини башорат қилиш, касалланган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берди, узок муддатли стационар ҳамда жаррохли йўли билан даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтирди. Болаларда уролитиаз ривожланишининг клиник ва генетик хусусиятларини ўрганиш натижасида, СТКнинг рецидиви хавфини прогноз қилиш самарадорлиги оширилган, ҳамда генетик тадқиқот усуллариининг натижалари болаларда уролитиазнинг ривожланиши ва такрорланишининг патогенетик механизмларининг янги жиҳатларини очиқ берган. Д витамини, остеопонтин, урокиназа, фетуин-А генларининг асосий полиморфик белгилари СТКли беморларда ва соғлом болаларда генетик материални ўрганиш асосида прогностик маркерлар белгилаб берилган. Уролитиазли касал болаларнинг метафилактикасига янги ёндашувлар ишлаб чиқилган, бу жаррохлик даволашдан сўнг диспансер кузатуви босқичларида СТК билан касалланган болаларнинг реабилитация салоҳияти ошириш имконини беради.

СТКли беморларда тавсия этилган оптималаштирилган жаррохлик даволаш усулидан фойдаланганилганда 1.834.000 сум иқтисодий самарадорликка эришилган. Болаларда уралитиазни эрта ташхислаш беморни шифохонада ётиш кунларини қисқаришига, болаларнинг саломатлиги қиска вақтда тикланишига ва булар натижасида бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган.

"Клиник - лабаратор ва генетик маркерларни ахамиятга олган ҳолда сийдик тош касаллиги қайталанишини прогнозлаш усули" мавзусидаги бошқа тиббиёт муассасаларида илмий ишланмаларни жорий этиш тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5-сонли хулосаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган, илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва иқтибос қилинган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, мақсад ва вазифалар белгилаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илму-фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий қилиш, апробация ва иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Болаларда уролитиазнинг патогенези, диагностикаси, даволаш ва молекуляр генетик асосларининг замонавий жиҳатлари"** (адабиётлар шарҳи) номли биринчи бобида болаларда сийдик тош касалигининг диагностикаси ва даволаши бўйича илмий ишлар таҳлилини ўз ичига олади. Молекуляр-генетик асосларга оид тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Бобнинг бир бўлими уролитиазнинг турли сабаблари ва кечишига қараб даволаш усулларига бағишланган. Мазкур муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлашни талаб қиладиган жиҳатлари ҳам ўрин олган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усулларининг тавсифи»** номли иккинчи бобида тадқиқот объекти, клиник-функционал усуллар ва мақсад ва вазифаларни ҳал қилишни таъминловчи методик ёндошувлар тавсифланган. Болаларда СТКнинг тарқалишини 2012-2020 йиллар давомида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ихтисослаштирилган болалар хирургия клиникасидаги (бош шифокор – профессор Ж.А. Шамсиев) мурожаатларнинг маълумотларига асосланиб ўрганилди.

Иш учта босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда уролитиазнинг тарқалиши ва рецидиви частотасини баҳолаш учун биз 2008 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда СТК сабабли операция қилинган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг 356 тиббий ёзувларини ретроспектив таҳлил қилдик. Улардан 238 беморда даволанишнинг узок муддатли натижалари (1 йилдан 5 йилгача) ўрганилди.

Иккинчи босқичда 8 ойдан 18 ёшгача бўлган 200 бола текширилди, улар асосий ва назорат гуруҳларига бўлинди. Асосий гуруҳга сийдик тош касалиги диагнози қўйилган 100 бола киритилди; назорат гуруҳини 100 та уролитиаз бўлмаган ва кичик режали операциялар учун госпитализация қилинган болалар ташкил этди. Ҳар икки гуруҳдаги 200 болада комплекс текширув ўтказилди.

Учинчи босқичда болаларда уролитиазни хирургик йўли билан даволаш самарадорлиги, шунингдек оптималлаштирилган метафилактикаси ва диспансер кузатуви баҳоланди ва кузатув босқичларида хирургик даволашдан кейин уролитиазли болаларнинг реабилитация салоҳияти мезонлари ишлаб чиқилди.

2021–2023 йилларда 8 ойдан 18 ёшгача бўлган 100 бола (ўрта ёши $13,4 \pm 0,8$ ёш) текширилди, уларнинг 67 таси ўғил болалар, 33 таси қиз болалар (1,7:1 нисбатида).

Статистик таққослаш мақсадида биз 8 ойдан 18 ёшгача бўлган 100 та соғлом болалардан иборат назорат гуруҳини (НГ) шакллантирдик, ўрта ёши – $13,4 \pm 0,6$ ёш.

Тадқиқотда анамнез, клиник, антропометрик, лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари қўлланилди.

Иммуногенетик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг (ЎЗРФА) Биоорганик химия институти (БОХИ) геномика лабораториясида амалга оширилди.

Диагностик самарадорлик сезгирлик, диагностик аниқлик ва махсуслик ҳисоблаш орқали аниқланди.

Статистик натижалар Excel компьютер дастурига асосланган вариацион статистика усули орқали ишлаб чиқилди, арифметик ўрта (M), унинг хатоси (m), ўртача квадрат хато (σ) ҳисобланди. Натижаларнинг ишончилиги Стьюдент (t) мезони бўйича баҳоланди.

«Генотиплар тарқалишини ва полиморф маркерлар генларининг уролитиазнинг давомийлиги, рецидивлари ва клиник-функционал хусусиятларига таъсирини ўрганиш» номли учинчи бобда сийдик тош касаллиги ва унинг рецидивлари полиморф ген вариантлари билан боғлиқликни топишга қаратилган генетик тадқиқотлар натижалари келтирилган. Рецидивнинг генетик хавфини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг биринчи босқичи натижаси шуни кўрсатдики, СТК билан операция қилинган 356 боланинг умумий сонидан 1 йилдан 5 йилгача бўлган узоқ муддатли натижаларни ўрганаётганда, 238 боладан 109 тасида (45,9%) беморда такрорий уролитиаз бор эди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи динамик кузатишда 100 нафар СТК билан касаланган беморларда рецидивлар 12 беморда аниқланди, бу – 12,0%. Рецидивлар 1 йилдан 10 йилгача бўлган даврда юзага келди, яъни 1 йилдан 2 йилгача – 1 бола, 3 йилдан 5 йилгача – 5 бола ва 6 йилдан 10 йилгача – 6 бола.

VDR*F*f аллель варианты тадқиқ этилган беморлар гуруҳида уролитиаз билан 74% частотада боғлиқ бўлди, асосий гуруҳда *f аллели пайдо бўлиши 119 бўлиб, *F аллели 81 ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқ этилган болалар гуруҳларида VDR гени полиморфизми аллеллари ва генотиплари тақсимланиш частотаси


Гуруҳ	Аллеллар частотаси					генотиплар тақсимланиш частотаси					
	*n	f		F		f/f		F/f		F/F	
		*n	%	*n	%	n	%	n	%	n	%
Асосий гуруҳ n=100	200	119	59,5	81	40,5	20	20	74	74	6	6
Нazorат гуруҳи, n=100	200	144	72,0	56	28,0	72	72	26	26	2	2

Изоҳ: *n – текширилган хромосомалар сони; n - текширилган шахслар сони

Асосий беморлар гуруҳида "*f" ва "*F" аллеллари фаоллиги улушлари 59,5% ва 40,5% ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса 72,0% ва 28,0% ни ташкил этди. Ҳисобланган коэффициентга кўра, "*F" аллелини ташувчиларда СТК ривожланиш хавфи "*f" аллелини ташувчиларига нисбатан 1,8 баробар юқори бўлган ($\chi^2=6.8$; $P=0.01$; $OR=1.8$; 95% CI 1.14-2.7).

Генотипларнинг тарқалиши: f/f, F/f ва F/F гуруҳларида асосий гуруҳда тегишли равишда 20,0%, 74,0% ва 6,0% ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса 72,0%, 26,0% ва 2,0% ни ташкил этди. f/f генотиби назорат гуруҳида (72,0%) СТК беморлари гуруҳига (20,0%) нисбатан кўпроқ учради.

Шу билан бирга, VDR гени FokI маркери генотипнинг гомозигота f/f бўлиши СТК ривожланиш хавфини камайтириш (протектив эффект) маркери сифатида, гомозигота FF генотиби эса СТК ривожланиш хавфини 3 баробар оширади ($\chi^2=4.1$; $P=0.04$; $OR=2.5$; 95% CI 1.0-6.01) деб таърифланди. VDR гени FokI маркери FF+F/f генотипларининг тарқалишини таққослаш ҳам статистик жиҳатдан асосли фарқларни кўрсатди: асосий гуруҳда 63,0% ва назорат гуруҳида 47,0% ($\chi^2=4.5$; $P=0.03$; $OR=1.9$; 95% CI 1.04-3.31) (1 -расм).



1 -расм. Назорат гуруҳида ва СТК билан оғриган беморларда VDR генининг FokI полиморфизм генотипларининг частота тақсимооти

2-жадвал

Уролитиазли болаларда дисметаболик касалликлар турига қараб VDR генининг FokI полиморфизм генотипларининг частота тақсимооти


Дизметаболик бузилишлар тури	f/f, n=20		Ff+FF, n=80		Статистик маълумотлар
	n	%	n	%	
оксалатурия, n=62	2	10,0	60	75,0	$\chi^2=2.7$; $P=0.1$; $OR=2.2$; 95% CI 0.84-5.87
уратурия, n=19	9	45,0	10	12,5	* $\chi^2=4.8$; $P=0.03$; $OR=0.5$; 95% CI 0.26-0.94
фосфатурия, n=5	2	10,0	3	3,8	* $\chi^2=4.7$; $P=0.03$; $OR=2.0$; 95% CI 1.06-3.84
аралаш, n=14	7	35,0	7	8,7	* $\chi^2=5.9$; $P=0.01$; $OR=1.8$; 95% CI 1.11-2.85

VDR гени генотипларининг тарқалишини таҳлил қилиш, ўзбек халқида ализис қилинган генотипларнинг Харди-Вайнберг тенглигининг (PXB) тарқалишига мос келиши аниқланди ($\chi^2=5,14$; $p=0,03$).

Шунингдек, уролитиаз билан касалланган болаларда тош ҳосил қилувчи моддаларнинг алмашинув жараёнларига қараб VDR гени генотипларининг генетик ассоциацияларини таҳлил қилдик. (2-жадвал).

Келтирилган маълумотларга кўра, агар болада СТК билан VDR гени FokI гени Ff+FF полиморфизми бўлса, 75,0% ҳолатларда оксалатурия, энг кам ҳолатда фосфатурия – 3,8%, ва аралаш тош ҳосил қилувчи моддалар – 8,7% кузатилган.

3'-UTR T/C полиморфизм гени урокиназа вариантли генотипларининг тарқалишини таҳлил қилиш натижасида умумий ирсият моделига кўра статистик жиҳатдан аҳамиятли $p=0,03$ ва доминант моделга кўра $p=0,01$ бўлган, монозигота T/T ва гетерозигота C/T кўрсаткичлари беморларда назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ учради. (2-расм).



2-расм. Назорат гуруҳида ва СТК билан оғриган беморларда урокиназа ген полиморфизм генотипларининг частота тақсимоти

T/T монозигота генотиби бўлган болаларда СТК назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан 2,5 марта кўп учрайди ($\chi^2=6,77$; $OR=2,50$; $p=0,03$). Гетерозигота C/T генотиби билан болалар тадқиқотда назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан 1,3 марта кўп учради ($\chi^2=6,77$; $OR=1,62$; $p=0,03$). СТК билан болалар учун доминант модел C/T+T/T бўлиб, Урокиназа генида T/T генотиби яққол доминантлиги кузатилган.


Урокиназа генининг 3'-UTR T/C полиморфизмининг доминант генотипининг тош ҳосил қилувчи моддалар таркибига таъсирини аниқлашда биз "T" аллелининг энг кенг тарқалган ташувчиларида уратурия билан касалланиш даражаси юқори эканлигини аниқладик ($\chi^2=6.8$; $P=0.01$; $OR=1.8$; 95% CI 1.14- 2.7) шунингдек урокиназа генининг ўрганилган полиморфизмининг гетерозиготали C/T генотиби ва гомозиготали T/T генотибида ҳам худди шундай натижа қайд этилган (3-жадвал).

Уролитиазли болаларда дисметаболик касалликларга қараб урокиназа гени 3'-UTR T/C полиморфизмининг генотип частоталарининг тақсимланиши

Дизметаболик бузилишлар тури	C/C, n=41		C/T+T/T, n=59		Статистик маълумотлар
	n	%	n	%	
оксалатурия, n=62	27	43,5	35	56,5	$\chi^2=1.0$; P=0.3; OR=0.6; 95% CI 0.277-1.516
уратурия, n=19	3	15,8	16	84,2	$\chi^2=3.0$; P=0.08; OR=1.7; 95% CI 0.92- 3.2
фосфатурия, n=5	3	60,0	2	40,0	$\chi^2=2.0$; P=0.2; OR=1.7; 95% CI 0.79- 3.67
аралаш, n=14	8	57,1	6	42,9	$\chi^2=1.8$; P=0.2; OR=2.1; 95% CI 0.69- 6.69

Шу билан, мазкур тадқиқотда олинган натижалар, Урокиназа гени 3'-UTR T/C полиморфизми вариантларининг СТК ривожланишига ҳисса кўшишини кўрсатади. Гетерозигота C/T ва гомозигота T/T генотипларини ташиган болаларда уролитиазда сийдикда уратларнинг юқори концентрацияси кузатилди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиб, Фетуин гени 766 C/G полиморфизм генотипларининг тарқалишида СТК билан касаланган болалар гуруҳи ва назорат гуруҳи орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар мавжуд эмаслигини хулоса қилдик. (3 -расм).



3-расм. Назорат гуруҳида ва СТК билан оғриган беморларда Фетуин генининг 766 C/G полиморфизми генотипларининг частота тақсимоти

Шундай қилиб, уролитиазнинг ривожланиши учун фетуин генининг 766 C/G полиморфизми ушбу патологиянинг ривожланишининг патогенетик механизмида катта тиббий ва генетик рол ўйнамайди. 766 C/G фетуин генининг оксилари ва куплаб молекулалари, калций оксалатнинг тўйинганлиги ва кристалланишини ингибирлашда иштирок этиши мумкин. Бундан ташқари, фетуин ҳам қон томир калцификациясининг кучли ингибитори ҳисобланади ва бу оксил фаоллиги қисман фетуин-минерал комплексининг шаклланиши билан боғлиқ. У калций ва фосфор билан тесқари равишда комплекслар ҳосил қилади ва уларнинг қон зардобда эрувчанлигини оширади. (4 -жадвал)

Уролитиазли болаларда дисметаболик касалликларга қараб Фетуин генининг 766 C/G полиморфизми генотипларининг частота тақсимооти

Дизметаболик бузилишлар тури	Генотиплар				χ^2	P	OR	
	C/C, n=78		C/G+ G/G, n=22				белг.	95% CI
	n	%	n	%				
оксалатурия, n=62	51	65,4	11	50,0	0,485	0,45	0,63	0,30-1,32
уратурия, n=19	17	21,8	2	9,1	6,85	0,03	2,48	0,78-2,86
фосфатурия, n=5	2	2,6	3	13,6	7,81	0,03	2,68	0,85-3,21
аралаш, n=14	8	10,3	6	27,3	5,48	0,01	2,04	1,21-3,64

Шу билан, фетуин гени 766 C/G гомозигота C/C полиморфизми СТКда сийдик кислотаси ва фосфорнинг юкори микдори хослигини аниқладик.

Остеопонтин гени rs2853744 полиморфизм вариантли генотипларининг тарқалишини таҳлил қилишда, назорат гуруҳи ва СТК билан касалланган болалар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ ($p=0,03$ умумий ирсият моделга кўра, $p=0,008$ рецессив моделга кўра) аниқланди. Беморларда монозигота G/G кўрсаткичи 53% бўлиб, назорат гуруҳида эса 34% ни ташкил этди. Шунингдек, Остеопонтин гени генотипларининг тош ҳосил қилувчи моддаларнинг алмашинув жараёнларига қараб генетик ассоциациялари таҳлил қилинди. (5 -жадвал).

Уролитиазли болаларда дисметаболик касалликларга қараб остеопонтин ген rs2853744 полиморфизмининг генотипик частоталарининг тақсимланиши

Дизметаболик бузилишлар тури	G/G, n=53		G/T, n=36		T/T, n=11	
	n	%	n	%	n	%
оксалатурия, n=62	31	58,5	26	72,2	5	45,5
уратурия, n=19	11	20,8	4	11,1	4	36,4
фосфатурия, n=5	2	3,8	2	5,6	1	9,1
Аралаш, n=14	9	17,0	4	11,1	1	9,1

Келтирилган маълумотларга кўра, агар болада СТК да Остеопонтин гени монозигота G/G полиморфизми бўлса, оксалатурия 58,5% ҳолатларда учрайди, фосфатурия эса энг кам фоизда – 3,8% ва аралаш шакл – 17,0% кузатилади. Остеопонтин гени гетерозигот G/T полиморфизмида оксалатурия 72,2% ҳолатларда кузатилса, фосфатурия энг кам процентда – 5,6% бўлади. Уратурия эса остеопонтин гени монозигота T/T полиморфизми бўлган СТКли болаларда кўпинча (36,4%) бошқа генотипларга нисбатан кузатилади.

Шундай қилиб, мазкур тадқиқотга олинган натижалар узбек популяциясида метаболизм бузилишига қараб, VDR генининг FF+F/f генотиплари, урокиназа генининг T/C ва C/T+T/T генотипи, фетуин генининг C/G+G/G – генотипи ва остеопонтин генининг G/T+T/T – генотип генетик вариантлари болаларда сийдик тош ҳосил қилувчи моддаларнинг алмашинув жараёнларига қараб СТК кайталанишига генетик мойинлик сабаб булиши мумкин.

Олиб борилган тиббий-генетик тадқиқотларнинг натижаларига кўра, биз икки гуруҳни ажратдик ($n=100$): 1-гурҳда доминант ирсият моделга эга 80 та СТК билан беморлар; 2-гурҳда доминант ирсият моделга эга бўлмаган 20 та СТК билан болалар (6 -жадвал).

Аниқланган нохуш генотипларга қараб СТК билан касалланган болаларни тақсимлаш

Нохуш генотиплар	Нохуш генотипларнинг мавжудлиги		Нохуш генотиплар мавжуд эмас	
	n	%	n	%
VDR гени FokI полиморфизми FF+ F/f - генотиби	80	80	20	20
Урокиназа гени 3'-UTR полиморфизми T/C C/T+T/T - генотиби	59	59	41	41
Фетуин гени 766 C/G полиморфизми C/G+ G/G - генотиби	22	22	78	78
Остеопонтин ген rs2853744 полиморфизми G/T+ T/T - генотип	47	47	53	53

1-гурухда болалар орасида 73,7% ҳолатларда нохуш генотипларининг мо с келиши аниқланди.

Анамнестик маълумотларни ўрганиш натижасида (3,4-расм), 1-гурухда СТК бўйича ирсий мойиллик 37,5% (80 боладан 30 таси) ташкил этди, улардан 30 нафар ота-оналарнинг 60,0% (30 нафардан 18 нафар) онасининг линиясидан келган. 2-гурухда ирсий мойиллик СТК бўйича биринчи даражали яқинлар орасида 2 марта камроқ учради ва 15% (20 боладан 3 нафар; $P < 0,05$) ташкил этди.

Ҳар икки гуруҳда кузатилган шикоятлар учраши бўйича маълумотлар 7-жадвалда келтирилган.

Тадқиқот гуруҳлари беморлари орасида шикоятларнинг учраши

Шикоятлар ва синдромлар	I гуруҳ (n=80)		II гуруҳ (n=20)		Маълумотлар ишончилиги, P
	Абс	%	Абс	%	
қорин оғриғи синдроми	60	75,0±5,2	11	55,0±11,2	>0,05
бел оғриқ синдроми	55	68,7±4,5	10	50,0±6,7	>0,05
макрогематурия	52	64,7±4,6	8	40,0±10,9	<0,01
дизурик синдром	46	57,5±4,8	7	35,0±11,1	>0,05
астеновегетатив синдром	45	56,3±5,5	7	35,0±10,7	>0,05
эрталаб кўз қовоғи пастози	42	52,5±5,5	6	30,0±10,2	<0,05
қуруқ тери	41	51,3±5,6	5	25,0±9,7	<0,01
гипертермия	35	43,7±5,5	5	25,0±9,7	>0,05

Келтирилган маълумотларга кўра, СТК билан касаланган болалар ва ноқулай генотипларга эга бўлганлар, ошқозон ва белда оғриқлар ($P < 0,05$), дизурик синдром ($P < 0,01$) ва макрогематурия ($P < 0,01$) шикоятларни кўпроқ билдирганлар.

Рецидивлар билан СТК ривожланишида хусусиятли тиббий-генетик маркерларни таҳлил қилиш амалга оширилди. Тадқиқот учун 100 боланинг маълумотлари олинди, улардан 12 тада ушбу патология рецидивлари кузатилган.

Шунинг учун, таққослаш учун 2 та гуруҳ тузилди: 1-гуруҳ – 88 бола, рецидивсиз СТК билан, беморлик даври 1 йилдан 10 йилгача ($5,6 \pm 3$ йил); 2-гуруҳ – 12 бола, рецидивли СТК билан, беморлик даври ўртача 9,3 йил.

Барча текширилган болалардан 47 (47,0%) тада комплекс урологик текшириш давомида калькулез гидронефроз аниқланди, рецидивлар билан болаларда бу ҳолат 55,0% ҳолларда кузатилди.


8-жадвал

Болаларда тош шаклланиши рецидивини ривожлантирувчи генетик маркерларнинг частота тақсимоти (%)

Генлар	Генотиплар	Рецидивсиз	Рецидивли	χ^2	P	OR	
		n=88	n=12			знач.	95% CI
VDR	ff, n=20	39,8	8,3	7,16	0,03	2,18	1,22-3,90
	Ff+FF, n=80	60,2	91,7			0,52	0,29-0,92
Урокиназа	C/C, n=41	43,2	25,0	4,58	0,06	2,68	1,85-3,21
	C/T, n=49	47,7	58,3			2,54	1,45-3,25
	T/T, n=10	10,2	8,3			2,48	1,21-3,18
Фетуин	C/C, n=78	79,5	66,7	3,48	0,007	2,34	1,08-2,45
	C/G, n=22	20,5	33,3			2,26	1,11-3,25
Остеопонтин	G/G, n=53	52,3	41,7	7,07	0,008	2,18	1,22-3,90
	G/T, n=36	37,5	25,0			2,46	1,26-2,82
	T/T, n=11	10,2	33,3			1,89	1,11-2,89

Рецидивли тош ҳосил бўлиш прогнозини белгилаш учун муҳим генетик маркерларнинг тарқалишини таққослаш натижалари 8-жадвалда кўрсатилган. Келтирилган маълумотларга кўра, рецидивли тош ҳосил бўлиш билан болаларда VDR гени FokI (3663T>C) полиморфизми FF+ F/f генотиби 1,5 баробар кўпроқ, остеопонтин гени rs2853744 полиморфизми G/T+ T/T генотиби 3,3 баробар кўпроқ кузатилди.


Келтирилган маълумотларга кўра (4-расм), рецидивли СТК билан болаларда D витамини дефицити аниқланиш жиҳатидан сезиларли даражада кўпроқ (35,0% га қарши 16,3%; $P < 0,05$).



4-расм. Болаларда тош ҳосил бўлишининг рецидивига қараб қонда D витаминининг миқдори

D витамини < 25 нг/мл даражаси рецидивли СТК билан болаларда юқори ассоциация (Касс=0,94, $p < 0,001$) ва кси-квадрат ($\chi^2=28,4$, $p < 0,001$) кўрсаткичлари билан ажралиб туради, шунингдек, нисбий хавф (RR=13,5) ҳам юқори бўлади. Бу даража сезгирлик (Se=88,2%) ва махсуслик (Sp=80,3%) билан тўғри прогноз қилиш имконини беради, яъни 94,0% ҳолатда ижобий тест натижалари рецидивли СТКни тўғри прогноз қилишга имкон беради.

Остеопонтиннинг қондаги миқдори рецидивли СТК билан болаларда назорат гуруҳига нисбатан 3,0 марта юқори ($P<0,01$), ва рецидивсиз СТК билан болаларнинг кўрсаткичларидан 2 марта юқори ($P<0,01$) эканлиги аниқланди. Олинган маълумотлар 5-расмда келтирилган.



5-расм. СТК бўлган болаларда рецидивларнинг ривожланишига қараб остеопонтиннинг зардобдаги таркиби

Зардоб остеопонтини ўзгаришларининг рецидивли СТКдаги этиопатогенетик роли ўрганилганида, маълумотлар шундай бўлди: зардоб остеопонтини $>8,0$ нг/мл даражаси ўртача махсуслик ($Sp=67,5\%$) ва паст сезгирлик ($Se=61,2\%$) кўрсатди, лекин нисбий хавф ($RR=3,2$) юқори.

Рецидивли СТК билан болаларда остеопонтин $<10,0$ нг/мл даражаси юқори ассоциация ($Kass=0,92$, $p<0,001$) ва хи-квадрат ($\chi^2=28,4$, $p<0,001$) кўрсатди, шунингдек, юқори нисбий хавф ($RR=12,0$). Бу даража сезгирлик ($Se=92,2\%$) ва махсуслик ($Sp=87,5\%$) билан тўғри прогноз қилиш имконини беради, яъни 92,2% ҳолатда ижобий тест натижалари рецидивли СТКни тўғри прогноз қилишга имкон беради.

Тадқиқотнинг «Уролитиазнинг хирургик даволаш самарадорлигини биохимик ва молекуляр-генетик статусга кўра прогнозлаш» номли тўртинчи бобида болаларда СТКнинг клиник тўғри тавсифи ва хирургик даволаш самарадорлигини прогнозлаш бўйича тадқиқотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида болаларда конкрементнинг тури ва унинг жойлашувига қараб генетик ва биохимик статус таҳлил қилинди. Ўрганиш жараёнида аниқландики, болаларнинг кўпчилигида (72,0%) солитар тошлар кузатилган, шунингдек 28% ҳолда кораллсимон, кўп сонли ва кўп жойли тошлар аниқланган. (9-жадвал)

9-жадвал

Болаларда уролитларнинг частотаси ва турлари

Уролитларнинг турлари	Беморлар сони, n=100	
	абс.	%
Солитар	72	72,0
Кораллсимон	1	10,0
Кораллсимон + кўп сонли	6	6,0
Кўп сонли	11	11,0
Кўп жойли	10	10,0
Жами	100	100

СТК билан касалланган болаларни тақсимлашда, аниқланган генетик детерминантларга қараб, биз барча ҳолатларда, кораллсимон тошлар мавжуд бўлганда, VDR генининг Ff+FF генотиплари ($\chi^2=6.8$; $P=0.01$; $OR=1.8$; 95% CI 1.14- 2.7), урокиназа гени C/T+T/T генотиплари ($\chi^2=4.1$; $P=0.04$; $OR=2.5$; 95% CI 1.0- 6.01), Фетуин гени C/G ($\chi^2=3.9$; $P=0.04$; $OR=2.6$; 95% CI

1.0- 6.01) ва остеопонтин генининг GG генотиби ($\chi^2=6.1$; $P=0.03$; $OR=3.5$; 95% CI 1.2- 8.01) мавжудлиги қайд этилишини аниқладик.

Болалардаги уролитларнинг солитар турларида ноқулай генетик маркерлар VDR генининг Ff+FF генотиплари бўлиб, улар 5 марта ($\chi^2=6.8$; $P=0.01$; $OR=1.8$; 95% CI 1.14- 2.7) ва остеопонтин гени G/G генотиби ($\chi^2=4.1$; $P=0.04$; $OR=2.5$; 95% CI 1.0- 6.01) 1,7 марта кўп кўп қайд этилган. Солитар тошлардаги Фетуин гени C/C ва урокиназа генининг C/C қулай генотиплари ноқулай генотипларга қараганда анча кўпни ташкил этади ($\chi^2=4.5$; $P=0.03$; $OR=0.5$; 95% CI 0.30- 0.95).

Кўп сонли уролитларнинг ривожланишида генетик маркерлари VDR генининг Ff+FF генотиплари ($\chi^2=5.9$; $P=0.01$; $OR=1.8$; 95% CI 1.11- 2.85), урокиназа генининг CT+T/T генотиби ($\chi^2=4.7$; $P=0.03$; $OR=2.0$; 95% CI 1.06- 3.84) ва Остеопонтин генининг C/T+T/T ($\chi^2=4.8$; $P=0.03$; $OR=0.5$; 95% CI 0.26- 0.94) дир.

Кўп жойли тошлар кўпинча Остеопонтин гени C/T+T/T генотиби ташувчилари бўлган болаларда ривожланган ($\chi^2=3.6$; $P=0.06$; $OR=1.8$; 95% CI 0.96- 3.22).

Шундай қилиб, биз оғир СТК ривожланишида генетик маркерлар: VDR генининг FokI полиморфизмининг FF+Ff - генотиби ва г/T+t/t - остеопонтин генининг rs2853744 полиморфизмининг генотиби.

Д витамини етишмовчилиги кўпинча уролитиаз билан оғриган беморларда учрайди ва ҳозирги вақтда нефролитиаз билан оғриган беморларда Д витамини етишмовчилиги муаммосини ва уни тузатиш зарурлигини ҳал қиладиган тадқиқотлар жуда кам (10-жадвал).

10-жадвал

Уролитлар турига қараб СТК бўлган болаларда Д витамини таркиби

Уролит турлари	Ўртача кўрсаткичлар, нг/мл	Миқдор даражаси					
		паст		норма		юқори	
		п	%	п	%	п	%
Солитар, n=72	23,5±1,2	11	15,3	54	75,0	7	9,7
Кораллсимон, n=7	18,5±1,4	7	100,0	0	0,0	0	0,0
Кўп сонли, n=11	19,8±1,3	9	81,8	2	18,2	0	0,0
Кўп жойли, n=10	21,3±1,1	8	80,0	2	20,0	0	0,0

Такдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, кораллсимон уролитлар билан СТК бўлган болалар ўртача Д витамини даражаси паст, бу эса солитар уролитлар билан оғриган беморларга нисбатан унинг етишмаслиги мавжудлигини кўрсатади (23,5±1,2 га қарши 18,5±1,4 нг/мл мос равишда; $P<0,01$). Шунингдек, Д витаминининг паст даражаси кўп жойли тошга нисбатан кўп сонли тошларда кузатилди (19,8±1,3 га қарши 21,3±1,1 нг/мл; $P<0,01$).

Болаларда СТК шаклланишининг яна бир биокимёвий белгиси остеопонтин бўлиб, унинг таркиби уролитлар турига ҳам боғлиқ эди (11-жадвал). Шундай қилиб, болаларда солитар тошларда унинг таркиби сезиларли даражада паст (19,5±1,5 нг/мл), бу 44,4% ҳолларда нормал кийматларга етди. Уролитларнинг бошқа турларида остеопонтиннинг

таркиби меъерий қийматлардан сезиларли даражада ошди, бу ҳол кораллсимон тошларда 85,7% ҳолларда ($P<0,01$) қайд этилди.

11-жадвал

СТК бўлган болаларда уролитнинг турига қараб остеопонтиннинг миқдори

Уролит турлари	Ўртача кўрсаткич, нг/мл	Миқдор даражаси					
		паст		норма		юқори	
		п	%	п	%	п	%
Солитар, n=72	19,5±1,5	10	13,9	32	44,4	30	41,7
Кораллсимон, n=7	25,5±1,6	0	0,0	1	14,3	6	85,7
Кўп сонли, n=11	23,4±1,3	1	9,1	4	36,4	6	54,5
Кўп жойли, n=10	21,4±1,2	1	9,1	4	36,4	5	45,5

Олинган маълумотлар натижасида биз Д витамини ва остеопонтин даражаси уролитиазнинг оғир клиник курсини ривожлантиришда муҳим рол ўйнашини ва литогенезда, айниқса кораллсимон ва кўп сонли тошларда муҳим аҳамиятга эга эканлигини аниқладик.

Барча беморларга 12-жадвалда келтирилган куйидаги хирургик муолажалар ўтказилди.

12-жадвал

Уролитиазли болаларда ўтказилган жарроҳлик аралашувлар сони ва хусусияти

Наименование оперативного лечения	ёши, йил					Жами
	1-3	3-7	7-12	12-15	15-18	
Пиелолитомия	9	11	4	3	2	29 (29%)
Нефролитотомия	4	6	5	1	3	19 (19%)
Нефролитотомия+уретеролитотомия	0	2	4	-	-	6 (6%)
Нефролитотомия+эпицистолитотомия	0	2	2	-	-	4 (4%)
Уретеролитотомия	0	2	4	2	2	10 (10%)
Эпицистолитотомия	1	5	1	1	0	8 (8%)
Уретероцистоскопия уретерни стентлаш	0	7	6	3	1	17 (17%)
Цистолитотрепсия сийдик пуфагидан тошни олиб ташлаш	1	6	0	0	0	7 (7%)
Жами:	18	46	23	8	5	100 (100%)

СТК билан касалланган 58 болада тошларнинг буйракда локализацияси аниқланди. Пиелолитотомия (29 бемор) ва нефролитотомияда (29 бемор) биз антеролатерал кесмадан фойдаландик, натижада кесма минималлаштирилди, жарроҳлик яраси ва органининг яхши кўриниши ва операциядан кейинги яранинг тез битишига олиб келди. Шунини таъкидлаш керакки, сурункали пиелонефрит барча беморларда, асосан, яширин босқичда аниқланган.

Солитар тошлар билан 7 ёшгача бўлган 16 болада жом тузилишининг аралаш ва экстраренал турида пиелолитотомия ўтказилди. 7 ёшдан ошган 9 бола орасида, жом нисбатан катта бўлганлиги сабабли, уни барча ҳолатларда бажариш мумкин эди. 7 ҳолатда жом-уретерал сегментида яққол

инфилтратив ва яллиғланиш жараёнлари ва жомнинг интраренал жойлашуви билан буйрак бўшлиғини дренажлаш учун универсал стент интраоператив тарзда ўрнатилди. Шундай қилиб, косача-жом тизимини санация қилиш учун ҳам энг яхши шароитлар яратилган. Нефролитотомия 29 болада жомнинг кичиклиги, жом тузилишининг интраренал турининг юқори частотаси ва КЖТда тошларнинг нисбатан каттароқ ўлчами туфайли тез-тез амалга оширилди. Солитар тошлар бўлса, 7ёшгача бўлган 10 болада жом тузилишининг интраренал тури билан нефролитотомия қилинган.

Нефролитотомия кораллсимон тошлари билан кўп сонли тошлар бўлган 3 болада болаларнинг ёши ва жом тузилиши туридан қатъи назар, гидрокаликоз мавжуд бўлганда барча ҳолатларда амалга оширилди. Жарроҳлик аралашув курси қуйидагича амалга оширилди: буйрак яраси ўрта ва юқори ёки ўрта ва пастки косачалар орасидаги пардаларни ажратиш орқали кенгайтирилди; буйракнинг барча косачаларида майда тошлар жойлашган ҳолларда, косачаларнинг булималари кесилиб шу билан 2 та еки 3та косачани бушлиги самарали кенгайтирилган. Шундай қилиб, юқори ва пастки косачалар тўлиқ очилмаган, фақат ўрта косачага улашган ён деворлари ажратилган.

Шу билан бирга, улар олиб ташлаш кетма-кетлигида қуйидаги тартибни кузатдилар. Дастлаб, барча кичик тошлар косачалардан олинган. Агар уларда кум ва шилимшиқ кўп бўлса, улар илиқ антисептик эритма орқали билан яхшилаб ювилган. Охирида, жомдан катта тош чиқарилади. Айнан шу кетма-кетликда хирургик пайтида конкрециялардан КЖТни санация қилиш сийдик йўлига кичик тошларнинг тушиши ва пастки сийдик йўллариининг обструкцияси эҳтимолини йўқ қилади.

Санация ва дренажнинг самарадорлиги клиник белгилар комплекси, лаборатория маълумотлари (умумий клиник, бактериологик, Д витамини даражаси) ва инструментал тадқиқотлар билан баҳоланди. Клиник самара сийдик синдромини тезроқ бартараф этилиши, қон тестларини нормаллашиши (лейкоцитоз ва ЭЧТнинг пасайиши) ва умумий аҳволи (2-кунда тана ҳарорати нормаллашиши, иштаҳа ошиши, умумий аҳволи яхшиланши) шаклида намоён бўлди. 5-6 кундан кейин буйракдаги патологик жараённинг оғирлигига қараб, кўп канали суғориш катетери олиб ташланди. Узоқ муддатли (6-12 ой) даврда сурункали пиелонефритнинг кучайиши 1-беморда кузатилди.

Ёш болалар нефротомияни катта ёшдаги болаларга караганда анча осон ўтказдилар, бу нефротомия пайтида кесишган буйрак томирларининг кичик калибри ва максимал эластиклиги, шунингдек уларнинг тез тромбози эҳтимоли билан изоҳланади. Бу операция пайтида ҳам, операциядан кейинги даврда ҳам қон кетишини камайтиришга ёрдам беради. Шу муносабат билан биз 5 ёшгача бўлган болаларда солитар ва кораллсимон тошлар билан нефролитотомиядан фойдаланишни тавсия этамиз.

Иккала буйракда тошлар мавжуд бўлганда, хирургик аралашувнинг устуворлиги обструктив жараёнларнинг оғирлик даражаси, яъни клиник, лаборатория ва инструментал кўрсаткичлар билан белгиланади. Икки томонлама уrolитиазли 5 бола орасида (8,6%), биринчи навбатда, операция беморнинг (4 бола) яққолроқ обструктив ҳодисалар ва айниқса яққол оғрик синдроми мавжуд бўлган томонида амалга оширилди. Яққол оғрик белгилари

бўлмаса, улар дастлаб яхши ишлайдиган буйракда (1 бола) бажарилган. Хирургик ёндашув пайтида муолажапайтида беморнинг ахволини ҳисобга олган ҳолда тошларнинг кўп жойли локализацияси бўлган 6 болага бир вақтнинг ўзида Нефро/пелолитотомия ва уретеролитотомия, 4 беморга пелолитотомия ва эпицистолитотомия ўтказилди.

СТК билан оғриган болаларда операциядан кейинги даврнинг силлик ўтишини таъминлаш учун, айниқса КЖТдаги реконструктив операциялар билан биргаликда, гомеостаз параметрларининг бузилишини тузатишга қаратилган интенсив терапия мажбурийдир. Биринчи 2-3 кун давомида узок муддатли аналгезиядан фойдаланиш муҳимдир.

Уретерда локализация қилинган тош 0,3 дан 0,5 см гача бўлган кичик ўлчамларда 17 беморда (уретер ю/3 – 2, уретер ў/3 – 1, уретер п/3 - 14), уретероцистоскопия сийдик йўлига ташқи стент ўрнатиш билан амалга оширилди, у олиб ташланганидан кейин тошларнинг ўз-ўзидан чиқиши қайд этилди.

10 ҳолатда анъанавий очик аралашувлар (уретеролитотомия) амалга оширилди. Қувук тошлари локализацияси бўлган 15 болага икки хил хирургик аралашуви ўтказилди: тош ўлчамлари 0,7 дан 1,0 см гача бўлган 7 беморга махсус цистоскопик қисқич билан цистолитотрипсия ўтказилди. 8 ҳолатда катта ва кўп конкрециялар билан очик цистолитотомия ўтказилди.

